Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

9 ноябрь, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 218 (1220)

КЎПРИК – БИРОДАРЛИК РАМЗИ

Мустақиллик шарофати билан республикамизда янги-янги улкан иншоотлар бунёд этилмоқда. Ана шулардан бири — Ўзбекистон билан Қозоғистон Республикаларини боғловчи Келес-Сариоғоч йўлида қурилган янги кўприк ҳам диёримиз кўркига кўрк қўшди.

Келес шаҳрида шу муносабат билан тантанали митинг бўлиб ўтди. Уни Тошкент вилояти ҳокими Э. Рузиев очди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков митингда сўзга чиқиб, қисқа муддатда қуриб битказилган мазкур кўприк иқтисодиётимизни, икки қўшни республика ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда, қолаверса, аҳолига қулайлик туғдиришда муҳим ўрин тутишини қайд этди. Шунингдек, бу салобатли иншоот икки қондош халқ дўстлигини мустаҳкамлаш борасида рамзий маънога эга эканини таъкидлади.

Митингда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларни қўллаб-қувватлаётганликларини, хусусан, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш борасида қилинаётган ишлардан багоят мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Маросимда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).



Хоразм автомобилсозлик бирлашмасининг Дўстлик шаҳридаги «Мерседес-Бенц» автомашиналари заводида ҳозиргача 400 дона шу марқали автомобиллар йиғилди. Заводда шунингдек кўплаб халқ истеъмоли моллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, заводда ишлаётган кўпгина мутахассислар, йиғувчи усталар Германияда иш ўрганиб қайтишган.

СУРАТДА: завод йиғув цехи бошлиғи Эгамберди Абдурасулов.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

• *9 ноябрь — жаҳон маҳсулот сифати куни*

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИ УЧУН

Маҳсулот сифати бўйича Европа ташкилотининг таклифига мувофиқ 1989 йилдан бошлаб 9 ноябрь куни жаҳонда сифат куни нишонланади. Бу тадбирнинг ўтказилиши саноат маҳсулотлари ва хизмат сифатини оширишга доир ишларнинг кучайтирилиши билан боғлиқ бўлиб, истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга қаратилган. Бинобарин, у сайёрамиздаги аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Стандартчилар, метрологлар жаҳон маҳсулот сифати кунини ўтказишга тайёргарлик кўриб, корхоналарда халқаро талабларга мос келадига, илмий жиҳатдан асосланган маҳсулот сифатини бошқариш тизимини вужудга келтириш, илғор технологияларни жорий этиш, нуқсонсиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш, синовнинг такомиллашган воситаларидан фойдаланиб, буюмлар сифатини ҳужжатлаштириш борасидаги илғор тажрибаларни ташиқ ва тарғиб қиладилар.

Савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари ва хизмат кўрсатиш турлари кенгайган ҳозирги кунда атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси биринчи ўринга қўйилмоқда. Айни пайтда маҳсулот сифатини ҳужжатлаштириш, яъни сертификациялаш халқаро табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатимизда «Стандартлаш тўғрисида», «Метрология ҳақида», «Сертификациялаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинган, «Ўздавстандарт»нинг турли халқаро ва минтақа ташкилотлар билан алоқалари ривожланмоқда. Бунинг натижасида республикамизда стандартлашнинг илмий асосланган давлат тизими, сертификациялаш миллий тизими ва давлат ўлчовлар тизими ишлаб чиқилган. Ҳозир «Ўздавстандарт»нинг маълумот-ахборот фондида республикамизнинг ўн мингдаб меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, МДҲ мамлакатлари ва жаҳоннинг бошқа давлатлари қабул қилган меъёрий ҳужжатлар бор. Бу ҳужжатлар республика стандартларини ва техник шартларини халқаро стандартлар ва техник шартларга уйғунлаштириш ва мослаштириш имконини беради. Бу аввало инсон ҳаёти ва саломатлигини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, буюмларнинг ўзаро ўхшашлиги ва ресурсларни тежаш билан боғлиқ талабларга тааллуқлидир.

Шу билан бир вақтда республикамизда халқаро стандартларни қўлланиш соҳалари кенгайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, республика Стандартлари ва техник шартлари фондининг таркиби ва тузилишини такомиллаштиришга кўмаклашади. Республикамиз давлат стандартлаш тизимининг халқаро тизимга яқинлашуви, Ўзбекистон мутахассисларининг стандартлаш бўйича мўътабар ташкилотлар ишида фаолроқ иштирок этиши эса, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий интеграцияга қўшилиши, республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқиши учун имконият яратади. Республикамизда ана шу мақсадга эришилаётганини кўрсатувчи мисоллар оз эмас.

Жаҳон маҳсулот сифати куни корхоналарда, меҳнат жамоаларида бу соҳадаги ишларни кучайтиришга хизмат қилади.

(ЎзА).

СИЗНИНГ ТЎЙИНГИЗ – БИЗНИНГ ТЎЙИМИЗ

Ўзбек, туркман, деб миллат айириш бизда ҳеч қачон бўлган эмас. Масалан, келиним, ўғлим Гандимнинг турмуш ўртоғи Саломат асли Урганчлик, ўзбек қариндошларимиздан.

Ҳозир 75 ёшга чиқдим. 8 ўғил, 3 қизни тарбиялаб, уйли-жойли қилдим. 38 неварам, 2 чеварам бор. Биз, асосан, Ўзбекистоннинг Ғозовот қишлоғи аҳолиси билан борди-келди қиламиз. Биз билан Ўзбекистонни фақат битта солма (ариқ) ажратиб туради, холос. Шундай экан бу икки халқ, мамлакатни бир-бирдан ажратиб бўларканми?

Муҳаммад ОМОНОВ,
меҳнат фахрийси.

МИНТАҚА ХАВСИЗЛИГИ МАМЛАКАТ ОСОЙИШТАЛИГИ ВА ОБОДЛИГИДИР

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил топганлигининг 50 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишни ҳам Қирғизистон, ҳам Ўзбекистон «ойнаи жаҳон»и орқали кузатдим.

Менда Президент Ислом Каримовнинг ушбу анжуманда сўзлаган нутқи жуда катта таассурот қолдирди. Биз, дарҳақиқат, маърузада таъкидланганидек энг аввало минтақалар хавфсизлигини таъминлашимиз керак. Президентнинг, айниқса, баъзи мамлакатлар томонидан қурол-яроғ сотиш бозори авж олдирилаётганлиги, Афғонистондаги вазиятга доир фикр-мулоҳазалари ҳам таҳсинга лойиқдир.

Мен ушбу маърузада кўтарилган масалалар «Туркистон умумий уйимиз» ғоясига ниҳоятда ҳамоҳанг эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Зеро, ушбу ғояни ўртага ташлашдан кутилган мақсад ҳам Марказий Осиё минтақасида тинчлик, осойишталикни барқарорлаштириш, интеграция жараёнини тезлаштириш, мавжуд муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этиш ҳамда иложи борича тезроқ ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишдан иборат.

Президент Ислом Каримов БМТнинг 50 йиллиги анжуманида сўзлаган маърузаси орқали ушбу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади. Зеро, минтақа хавфсизлиги ушбу минтақада яшовчи мамлакатлар осойишталиги ва ободлигидир.

Абдуғани АБДУҒАФУРОВ,
Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

УЗОҚДАГИ ҚАРИНДОШДАН ЯҚИНДАГИ ҚЎШНИ ЯХШИ

Рости, Ўзбекистонда чиқадиган газета ва журналларни олмай қўйганлигимизга анча йил бўлди. Бунга, асосан, биздаги нотинчлик, бирадарлик уруши сабаб бўлди, десам хато қилмаган бўламан. Лекин Ўзбекистон ҳақидаги янгилик ва воқеалардан мамлакатнинг «ойнаи жаҳон»и ҳамда радиоси орқали мунтазам танишиб борамиз.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жадал суръатда давом этмоқда. Энг муҳими у гарчи орадан ҳали кўп муддат ўтмаган бўлса-да ўзининг дастлабки натижа ва самараларини бераяпти.

Мамлакатнинг ривожланиши учун тинчлик ва осойишталик сув ва ҳаводай зарур эканлигини тожикистонликлар жуда яхши билишади. Мен бир оддий фуқаро сифатида бизда ҳам бирадарлик уруши Афғонистондагидай давом этса-я, деган ҳадик ва хавотирда эдим. Аллоҳга минг қатла шукрки, қўшни давлатлар, аниқроқ қилиб айтганда шахсан Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан бизнинг юртимизда ҳам тинчлик ва осойишталик ўрнатилди, «уруш олови» ўз вақтида сўндирилди. Акс ҳолда иккинчи Афғонистоннинг такрорланиши ҳеч гап эмас эди.

Ўзбек халқида «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши», деган ажойиб бир нақл бор. Ушбу ҳикмат Тожикистон ва Ўзбекистон тимсолида яна бир бор ўзининг ҳақиқий ифодасини топди.

Ўзбекларда «Бўлинганни бўри ер, айрилганни айиқ ер», деган яна бир ажойиб мақол бор. Халқ ҳикматлари шунчаки ёки ўз-ўзича пайдо бўлмайди. Унинг замирида, одатда, узоқ йиллик кузатув ва ҳаётий хулосалар мужассам бўлади. Модомики шундай экан биз янада мустаҳкамроқ, янада жипсроқ бирлашишимиз, ўтиш даври мураккабликларини биргаликда енгишимиз, ушбу минтақада тинчлик ва осойишталик ўрнатиш учун ҳеч нарсани аямаслигимиз лозим. Мен «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясини ана шундай мақсад ва манфаатлар учун яратилган, бизни порлоқ келажак томон олиб борадиган энг тўғри восита, деб биламан.

Гулчеҳра ҲОЖИМАТОВА,
Тожикистон Республикаси.

• *Бирортаям танқид натижасиз қолмайди*

«АЙБИ БОРНИНГ ОЁҒИ ҚАЛТИРАЙДИ»

(«Халқ сўзи» 1995 йил, 27 сентябрь)

Газетамизнинг юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақоласида Тошкент вилоят йўловчилар ташиш автокорхонасига қарашли автобус ҳайдовчиларининг қинғир ишлари танқид қилинганди. Редакция ушбу мақола юзасидан мутасадди ташкилотлардан жавоб олди. Унинг биринчисини Тошкент вилоят йўловчилар ташиш автотранспорти концерни бошқаруви раиси К. СИДДИҚНАЗАРОВ йўллаган.

«Халқ сўзи» рўзномасида чоп этилган мақолада «Мерседес Бенц» русумли давлат рақами 75-60 ТШС бўлган автобус ҳайдовчилари йўл интизомини бузганликлари тўғрисидаги маълумотларни Тошкент вилояти йўловчиларни ташиш концерни раҳбарияти Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчилар ташиш автосаройи раҳбарияти билан биргаликда кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳақиқатдан ҳам мақолада кўрсатилган тартиббузарликлар содир этилганлиги аниқланди.

Ҳайдовчиларнинг ҳатти-ҳаракати автосарой жамоаси умумий йиғилишида муҳокама қилинди ва улар ўз айбларини тан олганликлари, бундай тартиббузарликларни илк марта содир этганликлари инобатга олиниб, ҳайдовчи Ю. Исроилхўжаев уч ой муддатга ва ҳайдовчи А.Муҳаммаджонов бир ой муддатга ҳайдовчиликдан ёрдамчи ишчи вазифасига ўтказилдилар.

Автосарой раҳбарларининг транспортдан фойдаланиш бўйича муовини Ш. Сайдалиев зиммасига йўл-молия интизомини бузган ҳайдовчилар ишини назорат илишни кучайтириш мақсадида қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 8 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ (ФОИЗ ҲИСОБИДА)

биринчи устун — вилоятлар, тайёрланган пахта, иккинчи устун — бир кунда учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Андижон	0,02	111,48
Наманган	0,06	105,71
Фарғона	0,10	105,00
Хоразм	0,01	104,70
Навоий	0,13	102,30
Бухоро	0,07	101,13
Тошкент	0,16	100,66
Қашқадарё	0,33	99,49
Сурхондарё	0,52	93,52
Самарқанд	0,45	92,27
Қорақалпоғистон Республикаси	0,37	90,74
Сирдарё	0,31	88,38
Жиззах	0,36	86,18
Республика бўйича	0,23	98,43
1994 йилда	0,17	95,96

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

РЕНТГЕНЧИЛАР АНЖУМАНИ

Рентген нурлари кашф этилганига 100 йил тўлди. ЮНЕСКО қарорига биноан бу сана бутун дунёда кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон рентгено-радиологлари илмий жамияти ҳамкорлигида илмий-амалий конференция ўтказди.

Унда Ўзбекистон Фанлар академияси, тиббиёт муассасалари, шунингдек, Марказий Осиё республикаларидан мутахассислар иштирок этмоқда. «Шеринг АЖ» (Германия) фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳомийлигида ўтаётган анжуманда икки кун давомида рентгенорадиология соҳасидаги замонавий ютуқлар, болалар рентгенологиясини такомиллаштириш, ионлаштирувчи нурларнинг организмга таъсири каби бир қанча муҳим мавзуларда таниқли олимларнинг маърузалари тингланди.

«НАРПАЙ» ФИРМАСИ

Нарпайлик Баҳодир Қўлратовнинг талбиркорлик билан шуғулланиб бошлаганига мана йигирма йилдан ошиб қолди. У ипни дастлаб 2 сотих майдонда чинигул ўстириб сотишдан бошлаган эди. Эндиликда Баҳодир Россия Федерациясининг Томск шаҳрида ўзи ташкил қилган йирик «Нарпай» фирмасининг раҳбари. Бу ерда фирманинг 40 дан ортиқ дўкони фаолият кўрсатяпти.

Ҳақиқий тадбиркор фақат пул топишни эмас, ўз элининг розилигини, хайриҳоҳлигини олишни ҳам унутмаслиги керак. «Нарпай» фирмаси бу ақидага амал қилиб кўплаб хайрли ишларга қўл урмоқда.

СУРАТДА: фирма ишчилари З. Рўзиева ва У. Ашуровалар.

ПОЛИМЕРЛАР ҲАҚИДАГИ ФАН МУАММОЛАРИ

Республика Фанлар академиясининг полимерлар кимёси ва физикаси институтида «Полимерлар тўғрисидаги замонавий фаннинг муаммолари» мавзусида халқаро илмий конференция очилди.

Анжуманда Ўзбекистон олимлари билан бирга уларнинг Туркия ва МДҲ мамлакатларидаги касбдошлари ҳам иштирок этмоқда. Конференцияда янги полимерларни яратиш ва амалиётга жорий этишнинг, кимё саноатини ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш режалаштирилган.

ЗУККО МУАЛЛИМ

Қўқон шаҳрида «Ўқитувчи-95» республика кўрик-танлови ниҳоясига етди.

Унда мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган иқтидорли муаллимлар қатнашди. Улар қариб бир ҳафта мобайнида «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзуида очиқ дарс соатлари, дарслар таҳлили, компьютер саводхонлиги бўйича билим ва маҳоратини намойиш этди. Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 19-ўрта мактаб она тили ва адабиёти ўқитувчиси Гавҳар Ибодуллаева кўрик-танлов голиби бўлди.

ЛАЛМИ ЭКИНЛАР ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИЛАДИ

Нуроти туманида асосан лалми ерларда деҳқончилик қилинади.

Туманда лалми экинларни чет эл технологияси асосида томчилатиб суғориш йўлга қўйилмоқда. Шу мақсадда «Ўзбекистон», Файзулла Хўжаев, Навоий номидаги жамоа хўжаликлари ҳудудида дастлабки 200 гектар лалми ер томчилатиб суғориш учун ажратилди.

ЯНГИ ЧОЙХОНА ҲАММАГА МАНЗУР

Қўқонинг гавжум гўшаларидан бири — нон комбинати қошида қурилган янги чойхона савдо марказига ҳуси қўшиш билан бирга қарияларнинг севимли хордиқ чиқариш масканларидан бирига айланди. Бу ерга келиб-кетувчилар эса, чойхоначи Ислом Тургуновнинг (суратда) хизматидан доим ҳурсандлар.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР УЧУН...

«Соғлом авлод учун» жамғармасининг Урганчдаги 3-болалар поликлиникаси дорихонасига 300 минг сўмлик дори-дармон келтирилди.

Оналар ва болалар учун гоят зарур бу дори-дармон Европадаги тегишли ташкилот кредити бўйича дорихонага топширилди.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

• Мухбиримиз бонг уради

«ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ»ДАН НЕГА ПУТУР КЕТДИ?

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунига кўра, тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинган корхоналар орасида Қамаши паррандачилик фабрикаси ҳам бор. Бу корхона қандай қилиб ана шу рўйхатга кириб қолди?

Бундан ўн беш йилча бурун Қамаши туманининг Ногаҳон қишлоғида, Тошкент — Термиз Катта ўзбек трактининг чап томонида Қашқадарё вилоятида энг йирик паррандачилик мажмуи қурилиши жадал суръатда бошлаб юборилган эди. Бу юмушга вилоятдаги ўндан зиёд қурилиш-тиклаш, транспорт ташкилотлари ва минглаб кишилар жалб этилганлиги ҳамда зарур жиҳозлар ўз вақтида келтирилганлиги туфайли бир ярим йил мобайнида 34 та йирик товуқхона, етти жойда паррандалар ёзда сақланадиган айвон, иккита қушхона пункти, қарийб 400 тонна маҳсулотни сақлашга мўлжалланган совутгичлар, бир йўла 70 минг жўжа очириладиган иккита инкубатория, озуқа цехи, емни майдалаб берадиган қудратли тегирмон, техника парки, автотранспорт учун замонавий гараж, ўнлаб маданий-маиший бинолар, омборлар қурилиб, ишга туширилди. Шу билан бирга, озуқа тайёрлаш мақсадида корхонага 600 гектардан зиёд, жумладан, қарийб 200 гектар суғориладиган майдон ҳам ажратилди.

Фабрика қурилишидан бошлаб шу ерда ишлаб келаётган омборчи Қаҳрамон Эгамбердиевнинг айтишича, дастлабки пайтларда гўшт ва тухум етиштириш саноат асосида йўлга қўйилган. Паррандалар учун зарур озуқанинг асосий қисми четдан келтирилган бўлса-да, ёрдамчи хўжаликда етиштирилган дон ҳам майдаланиб, турли витаминлар билан бойитилган ҳолда товуқларга берилган. Боқилган бройлер товуқларнинг вазни 4 килограммга етказилгандан кейингина сўйишга рухсат этилган. Натижада йилига 2 минг тоннагача парранда гўшти, 10 миллион донагача тухум тайёрланган.

Паррандачилик фабрикасининг оёққа туриб олишига унинг дастлабки раҳбарлари А. Мкртичев ва Р. Бозоров катта ҳисса қўшган бўлсалар, кейинги 8 йил давомида корхонага Бозор Кўчқоров етакчилик қилди. У илгари тумандаги «Космос» ва «Чимқўрғон» давлат хўжаликларида директор бўлиб ишлаганида ҳар иккала жамоани ҳам молиявий жиҳатдан инқирозга учраттан эди. Шунга қарамасдан, уни ҳомийлари паррандачилик фабрикасига раҳбарликка тавсия этишди.

«Кейин нима бўлди?» — дерсиз. Корхона аста-секинлик билан ўз нуфузини йўқотиб бораверди.

Дастлаб қаровнинг талаб даражасида ташкил этилмагани боис товуқларга қирон келтирилди. Кейинчалик, ишга эгри қўллар аралашгач, озуқанинг баракаси учди. Масалан, ўтган йили қўшни «Ғаллакор» жамоа-ширкат хўжалигида лалми майдонларнинг ҳар гектаридан 10 центнердан дон олинган ҳолда, фабрикага қарашли 200 гектар суғориладиган ернинг ҳар гектаридан 3 центнердан, бу йил эса 4 центнердан ҳосил саранжомланди. Устига устак, корхонага тегишли тракторлар, енгил ва юк машиналар эса раҳбарнинг яқинларига хусусийлаштириб берилди.

Илгари фабрикада 800 киши меҳнат қиларди. Кейинги йилларда ишдан бўшаб кетувчилар сони кўпайди. Корхона раҳбари ва унинг яқинларининг қинғир ишларини кўриб-билиб турган айрим нопок шахслар эса ташмачиликни авж олдириб юборишди. Натижада фабрикада маҳсулот етиштириш ҳажми кескин камайди, ҳатто у турли ташкилотлардан келтирилган дон учун ҳам тўлов қобилиятини йўқотиб, катта қарзга ботди.

Корхонани шу даражада инқирозга олиб келган нопок кишига эса бирон-бир танбеҳ ҳам берилмади. Аксинча, Бозор Кўчқоров силиққина ишдан олиниб, унинг ўрнига Шониёз Боборажабов раҳбар этиб тайинланди.

Айни пайтда қарийб 2 миллион бош парранда боқишга мўлжалланган фабрикада бирорта ҳам товуқ йўқ. Улар йил бошидаёқ тугатиб юборилган эди. Ҳозир бу ерда туман ҳокимлигининг ёрдами билан қўшни хўжаликлардан олинган 60 бош қорамол ва 300 қўй-эчки боқилмоқда.

— Бу йўл билан фабрикани инқироздан сақлаб қолиш мушкул, — дейди корхона ҳисобчиси Тиркаш Оролов. — Чунки жамоамиз Қарши шаҳридаги 10-тегирмондан 5 миллион сўм, нефть омборидан 2 миллион, электр тармоғидан 200 минг сўм, жами 8 миллион сўм қарздор.

Қолаверса, бир килограмм парранда гўшти етиштириш учун камида 13-14, 10 та тухум ишлаб чиқаришга эса 2 озуқа бирлиги, яъни 12 килограмм дон ёки аралаш озуқа керак. Шунча миқдордаги ем эса 30-35 сўм туради. Унга корхонанинг ўзида сарфланаётган ҳаражатлар ҳам қўшилса, бир килограмм гўштнинг таннархи 50 сўмга тўғри келади. Ваҳоланки, Қашқадарё вилояти бозорларида семиз қўй гўштининг бир килосини 35 сўмга оласиз.

Хуллас, фабриканинг инқирозга учрашининг асосий сабабларидан бири бу ерда иш тўғри ташкил этилмаган бўлса, иккинчиси корхонанинг ноқобил раҳбарларга ишониб топшириб қўйилганидир. Республика «Паррандасаноат» бирлашмаси раҳбарлари эса банкротликнинг олдини олиш, жамоага амалий ёрдам кўрсатиш ўрнига томошабин бўлиб қолаверди.

Қамаши паррандачилик фабрикаси — халқимизнинг бойликларидан бири. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар шароитида бундай улкан корхонани тиклаш, кўплаб ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш қийин. Шундай экан, мамлакат фаровонлигига ҳисса қўшишга йўналтирилган ушбу фабрикани сақлаб қолиш, кўплаб гўшт, тухум ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим. Лекин, афсуски, мутасаддилар жамият манфаатларини ўйламай, ўзлари учун янги-янги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган корхонадан осонгина қутулиш йўлини кўзлаб иш тутаяптилар.

Бугунги кунда фабрикада қарийб 100 миллион сўмликдан зиёд асосий воситалар, жумладан, 100 тадан ортиқ тракторлар, қудратли машиналар, 50 дан кўпроқ транспорт ва бошқа механизмлар мавжуд. Шунингдек, унинг омборларида, очиқ майдончаларда жуда кўплаб миқдорда электр ускуналари, вентиляторлар ва бошқа жиҳозлар ишлатилмасдан турибди. Булар ҳам пулга чақилса, бир неча миллион сўмни ташкил этади. Шундай бўлса-да, республика «Паррандасаноат» бирлашмаси раҳбарлари корхонанинг асосий воситаларини 35 миллион сўмга баҳолаб юборди. Бели оғримаганнинг нон ейишини кўринг!

Эрта-индин бирон корчалон фабрикани шунча сўмга сотиб оладиган бўлса, фақат шунинг ўзидан 100 миллион сўмлаб фойда кўриши аниқ. Аммо умумхалқ маблағи ҳисобига тикланган корхонадан эл-юрт манфаат кўрмай қолаверади. Масаланинг ана шу жиҳатларини чуқур ўйлаб кўриш керак.

Пўлат ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Тадбиркорга омад ёр!

КОРХОНА НУФУЗИ ОШМОҚДА

Шарғун шаҳридаги «Дилшод» ишлаб чиқариш корхонасининг нуфузи кун сайин ортиб бормоқда. Гап шундаки, Саиджон Саидов бошлиқ тадбиркорлар мазкур ҳудудда биринчилардан бўлиб «Дока-хлеб» йўсинида нон тайёрлашни йўлга қўйдилар. Ҳозир 7 та цехда ҳар куни ярим минг килограмм ун пиширилмоқда. 5 та сомсахонада эса кунига 5 мингта сомса ёпилиб, икки қўйдан тандир кабоб қилинаётир.

Бундан ташқари, корхонада тикув цехи ишлаб турибди. Тез орада яна тери цехи ишга туширилади. Бу ерда ҳар куни 45 квадрат метр аъло сифатли чарм тайёрланиб, ундан усталар пойабзаллар тикишади.

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАСТАКОРЛАР ҚУРУЛТОЙИ

7 ноябрь куни Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг қурултойи бўлди. Унда мазкур уюшма фаолияти, унинг низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди.

Қурултойда ташкилий масала кўрилди. Бастакор Рустам Абдуллаев уюшма кенгашининг раиси этиб сайланди.

(ЎзА).

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ТИНЧ ҚЎШНИЧИЛИК СИЁСАТИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ НИЯТИДА

Исроил ҳукумати араб мамлакатлари билан тинч қўшничилик муносабатларини ўрнатиш йўлидаги сиёсатини давом эттириш ниятида.

Мамлакат Бош вазири вазифасини бажарувчи Шимон Перес Исҳоқ Рабинни дафн этиш маросимида қатнашиш учун келган баъзи бир мамлакатлар ҳукумат ва давлат бошлиқлари билан учрашувда шу ҳақда баёнот берди.

СЕРБИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИТИМ ЛОЙИҲАСИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИЛИШИДАН НОРОЗИ

АҚШнинг Огайо штатидаги Дейтон шаҳрида собиқ Югославиядаги можаролларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги музокаралар ёпиқ эшиклар ортида давом этмоқда.

Маълумотларга кўра, Сербия Президенти Слободан Милошевич АҚШ ва Сараево ҳукумати ташаббуси билан вақтинчалик тинчликка эришиш ҳақидаги битим лойиҳасига қўшимча киритилганидан норозилик билдирган. Ушбу янги пунктга кўра, Босния серблари раҳбарлари Радован Каражич ва генерал Ратко Младич ўз лавозимларидан озод этилиши керак.

МУЗОКАРАЛАР НАТИЖАСИЗ ТУГАДИ

Бангладеш Бош вазири Бегум Холид Зиё Раҳмон билан мухолифат раҳбарларининг мамлакатдаги сиёсий инқирозни тугатиш борасидаги музокаралари натижасиз тугади.

Томонлар асосий масала — ўтиш даврининг вақтинчалик ва мустақил Вазирлар Маҳкамасини ташкил этиш бўйича бир фикрга кела олмадилар.

СУИҚАСД АМАЛГА ОШМАДИ

Озарбайжонда Президент Гайдар Алиев ҳаётига суиқасд уюштиришни режалаштирган бир гуруҳ шахслар қўлга олинди.

Мамлакат Ички ишлар вазирлигининг баёнот беришича, уч нафар суиқасдчи ўзи бошқариладига «Стрела-3» ракетаси билан хорижий сафардан қайтаётган Президент самолётини уриб тушиширишни режалаштирган. Улар орасида Ички ишлар вазирлиги махсус гуруҳининг собиқ зобити ҳам бўлган.

ЭНГ КУЧЛИ БЎРОН

Филиппинда кейинги ўн йилликдаги энг кучли бўрон юз берди.

Бу табиий офат оқибатида 600 киши ҳалок бўлди. Яна 200 нафардан зиёд филиппинлик домдараксиз йўқолган, дея тахмин қилинмоқда.

БОСНИЯ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Германия федерал мудофаа вазири Фолкер Рюе Бавариядаги ҳарбий полигонда АҚШ ҳарбий маҳкамаси раҳбари Уилям Перри билан учрашди.

Улар Боснияда халқаро тинчликни таъминлаш кучларини ташкил этиш, шунингдек, унда Россиянинг иштирок этиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама этадилар.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ГАЗЕТАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги йирик қўриқ массив — Ёнбошқалъа чўлқуварлари ўз нашрига эга бўлди.

«Ёнбошқалъа тонги» — «Жамбасқала тани» газетасининг илк сони ўқувчилар қўлига тегди. Ўзбек ва қозоқ тилларида чиқадиган ҳафталикда қўриқни ўзлаштирувчилар ҳаёти ва бунёдкорлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

(ЎзА).

• Ислоҳот қирралари

ЧОШТЕПА МЎЪЖИЗАСИ

ЧОШТЕПА деса оҳангаронликлар яқин вақтларгача оппоқ оҳактошли тепаликларни тасаввур қилишарди. Бир вақтлар бу ерда қандайдир карьер ҳам ишлаб, мамлакатга сифатли оҳактошлар етказиб берган. Кейинчалик тош карьери бу ердан кўчиб кетди-ю, ўттиз гектарча ер — пастбаланд тепаликлар бўш қолди. Илгари «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамиятига раислик қилган марҳум Умар Умирзоқовнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан бу ерлар узумзорга айлантирилди. Бироқ кейинчалик узумзор ҳам одамларнинг ёдидан чиқаёзди. Бундан икки йил муқаддам Жўра Йўлдошев исмли йигит узумзорнинг ташландиқлигини кўрди-да, кўнглига аниқ мақсадни тугиб, хўжалик бошқарувининг раиси Шунқор Умирзоқовнинг олдига боради. Раис ҳам худди шундай ғайратли йигитларни кутиб турарди.

— Рухсат берсангиз, Чоштепадаги узумзорни ижарага олсам, жуда хароб ҳолга келиб қолибди. Узоғи билан икки йилда тиклаб бераман, — деди Жўравой. Раис рози бўлди. Барча расмий ҳужжатлар тўғриланганидан сўнг Жўравой ишни бошлаб юборди. Аввалига ҳамма қуриган токларни олиб ташлаб, ўз ҳисобидан ток кўчатлари олиб келди. Кўчатларнинг бақувват ўсиши учун уларнинг остларини бот-бот чопиб, суғориб турди. Бироқ тошлоқ ерда дарахт кўкартиришнинг ўзи бўлмас экан. Тепаликка бетон ҳовузчалар қурилди, токлар остига махсус қувурлар орқали найчалар ўрнатилди ва узумзор улар ёрдамида томчилаб суғоришга ўтилди. Ижарачи айтгандай, икки йилнинг ичида узумзор кўзга ташланиб қолди.

— Ҳозир 25 гектар ердаги узумзор ҳосилга кирган, — дейди Жўра Йўлдошев. — Икки гектардагиси келгуси йили ҳосил бера бошлайди.

Соҳибкорлар шартнома бўйича хўжаликка 140 тоннадан зиёд узум етказиб беришлари керак экан. Аммо ишкомлардаги ҳосил 250 тоннадан ошади.

Ижарачилар шу йилнинг ўзида мўл ҳосил етиштириш учун 42 минг сўм ҳаражат қилишган. Аммо бугунги кунда олинган даромаднинг ўзи 75 минг сўмдан ортиб кетди. Узумлар Тошкент, Оҳангарон, Олмалиқ, Янгиобод ва Ангрен шаҳарларида сотилмоқда. Соҳибкорларнинг чамасига қараганда, ҳар гектар майдондан 15 тоннадан ошириб сара узум олинади.

— Ҳозирнинг ўзида атроф шаҳарларнинг корхоналаридан, ўндан ортиқ савдо шахобчаларидан буюртмалар олганмиз, — дейди Жўравой Йўлдошев. — Улар пешма-пеш келишиб, узум олиб кетишмоқда.

Атроф шаҳарларнинг чиқиндилари ва дуллар таъсирида кўпгина хонадонлардаги токлар анчадан бери яхши ҳосил бермай қўйган. Қорахитойликлар кўпдан бери узумлардан мўл ҳосил олмаётган бир пайтда бу ердаги ҳосилни кўриб ажабландик.

— Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, — дейди Жўравой. — Биз токларни уч марта хомток қиламиз, орада яна кичик хомтоклар ҳам бўлади, остларини эринмай кетмон билан чопамиз, биронта ҳам бегона ўт бўлмайди, токлар гулини тўкиши биланоқ дарҳол турли касалликлар, жумладан чириш касаллигига қарши дорилаймиз, сал фурсат ўтиши билан махсус сув пуркагичлар ёрдамида ҳосил ювиб чиқилади.

— Даромад қандай, ишчилар мамнунми?

— Даромад чакки эмас, ўтган йилнинг охирида пировард натижага кўра ишчиларимиз ўн-ўн икки минг сўмдан мукофот олишди. Шу кунларда ҳар бир ишчининг ойлик иш ҳақи бир ярим минг сўмга тўғри келяпти. Бу йилги соф даромад ҳисобига ҳар бир ишчига йил охирида 16 минг сўмдан мукофот пули беришни ҳам дилга тугиб қўйганмиз, — деди Жўра Йўлдошев.

— Марҳум раҳбаримиз Умар ота мана шу Чоштепанинг устига каттагина шийпон қуриб, атрофларини боғ ва узумзорга айлантиришни орзу қилган эдилар, аммо бу ҳайрли ишни рўёбга чиқариш у кишига насиб этмади, — дейди Жўравой. — Келгуси йилдан шу ишга киришмоқчимиз. Раисимиз, Умар аканинг фарзандлари Шунқорбек ҳам ёрдам беради. Бу йилги даромаддан озгина чегирамизда, шу ишни охирига етказамиз. Бунинг учун унча кўп маблағ керак эмас, қувурлар ёрдамида тепага сув чиқариб олсак бас. Қолганини ўзимиз қиламиз. Бундан ташқари тепаликка кузда олма, ўрик, шафтоли экамиз. Ҳозир хўжалигимизнинг ўзида меваларни қайта ишлайдиган кичик корхона бор. Консерва заводимиз ҳам ишлаб турибди. Мева қанча кўп бўлса ҳам исроф қилинмайди...

Мўмин ҚАЮМ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Халқ сўзи» газетасига 1996 йил учун обуна бошланди. Газетамиз келгуси йил ҳам одатдагидек ҳафтада беш марта нашр қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Якка тартибдаги обуначилар учун:

1 ойга 99.25 сўм, 3 ойга 297.75 сўм, 6 ойга 595.50 сўм, 12 ойга 1191.00 сўм.

Ташкилотлар учун:

1 ойга 129.55 сўм, 3 ойга 388.65 сўм, 6 ойга 777.30 сўм, 12 ойга 1554.60 сўм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Якка тартибдаги обуначилар учун:

1 ойга 72 сўм, 3 ойга 216 сўм, 6 ойга 432 сўм, 12 ойга 861 сўм.

Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

1 ойга 56 сўм, 3 ойга 163 сўм, 6 ойга 336 сўм, 12 ойга 672 сўм.

Ташкилотлар учун:

1 ойга 155 сўм, 3 ойга 423 сўм, 6 ойга 801 сўм, 12 ойга 1555 сўм.

Ташкилотлар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

1 ойга 106 сўм, 3 ойга 318 сўм, 6 ойга 636 сўм, 12 ойга 1272 сўм.

Индекс 64608

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

XEROX 5317, 5331, 5332 ихчам нусха кўчириш машиналари кенг имкониятларга эга.

Турли ўлчамли қоғозлардан фойдаланиб асл нусха ўлчовини автомат усулда аниқлаб, икки томонлама ёки рангли қилиб нусха кўчиришингиз лозим бўлса **XEROX 5317, 5331, 5332** машиналари айни муддаодир!

XEROX машиналарининг имкониятлари уларнинг нархига мос тушади. Одатда **XEROX**нинг дилерлик тармоғи сизга эҳтиёт қисмлар ва бошқа ишлатиладиган ашёларни юқори сифатда ва мақбул нархларда кафолатлайди.

RANK XEROXнинг
Ўрта Осиё бўйича ваколатхонаси
Алмати (3272) 62-00-45
Тошкент (3712) 39-47-16

XEROX®

СИЗНИНГ ЭҲТИЁЖИНГИЗГА МОС ТУШАДИГАН НУСХА КЎЧИРИШ МАШИНАЛАРИ



The Document Company XEROX

Ксероксга хос афзалликлар - мустаҳкамлик ва аъло техник тавсиф.

Бизнинг ваколатли дилерларимизга мурожаат этинг:

ШАҲАР	ДИЛЕР	ТЕЛЕФОНЛАР
Актюбинск	ВТИ	(3132) 22-17-50
Алмати	Оргтехника-ДОС	(3272) 39-20-54
Алмати	Техмарказ	(3272) 33-11-79
Алмати	С.К.В. Техимпекс	(3272) 69-20-73
Алмати	Копимаркез	(3272) 60-28-48
Алмати	Глотур	(3272) 30-42-41
Атирау	Ронар Сервис	(3122) 23-58-32
Бишкек	Арашан	(3312) 21-64-43
Жезқазған	Делси	(3102) 75-76-25
Жамбул	Арасан	(3262) 24-15-26
Қарағанда	Алекс	(3212) 51-76-00
Қарағанда	Элком	(3212) 58-25-58
Кокчетав	Марина К	(3162) 24-73-27
Қустанай	Техсервис К.С.	(3142) 39-57-27
Павлодар	Электроавтоматика	(3182) 71-60-62
Павлодар	Элком-П	(3182) 47-05-91
Тошкент	Ўзбекксероке	(3712) 39-43-32
Тошкент	ТЗРЭА	(3712) 96-19-20
Усть-Каменогорск	Техмарказ	(3232) 65-08-92
Чимкент	ТОО Қозоғистон	(3252) 27-98-41
Экибастуз	Сауда	(3183) 23-93-72

Uzbek Xerox
Буюк Турон кўчаси,41
тел.: 39-17-88,33-54-25

XEROX® Authorised Dealer

ВАТАН ПОСБОНЛАРИ

• *Кузги чақирув — 95*

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — ШАРАФЛИ БУРЧ

Маълумки, жорий йил 28 сентябрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шу куни мудофаа вазирининг шу ҳақдаги буйруғи эълон қилинди.

Чақириқ бошланиш олдидан мудофаа ишлари бошқармаларида икки кунлик услубий-амалий машғулотлар ўтказилди. Бу машғулотларда ҳокимиятлар, мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари ходимлари, чақириқ тиббий комиссиялари аъзолари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотлари ходимлари иштирок этди. Унда баҳорги чақириқ пайтида йўл қўйилган камчиликлар батафсил ўрганиб чиқилди ва кузги чақирикда чақирув комиссиялари олдида турган вазифаларни сифатли ҳал этиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди.

Баҳорги чақиришни ўтказиш тажрибаси шуни кўрсатдики, жойларда фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга чақирилишида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун талабларига чақирув комиссиялари томонидан баъзан риоя қилмаслик ҳоллари бўлди.

Жумладан, юқорида кўрсатилган Қонуннинг 17-моддасининг талабларига риоя қилмаган ҳолда чақирув муддатини узайтириш имтиёзига эга бўлган О. Харин (Урганч шаҳридан), И. Тўйчиев (Самарқанд шаҳри), А. Егир (Тошкент шаҳри) каби чиқарилувчилар чақирув комиссияси томонидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлар.

Мудофаа вазирининг буйруқлари талабларини бузган ҳолда З. Тошмуродов (Амударёдан), С. Амиров (Китоб туманидан), А. Замиров (Тошкент шаҳридан) каби чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлар. Вақоланки, улар ўз саломатлиги туфайли тинчлик вақтида муддатли ҳарбий хизматдан чақирув комиссиялари томонидан озод қилинишлари керак эди.

Юқорида кўрсатилган барча чақирилувчилар Мудофаа вазирлиги томонидан муддатли ҳарбий хизматдан муддатдан илгари озод қилиндилар. Аммо, бизлар уларнинг ота-оналарига, Мудофаа вазирлигимиз, чақирув комиссиялари, мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари номига доғ туширишни эътибордан четда қолдирмаслигимиз шарт. Бу ҳолатларга йўл қўйган мутасадди шахслар Мудофаа вазирлиги томонидан интизомий тартибда қаттиқ жазоландилар. Юқорида кўрсатилган ҳоллар такрорланмаслиги учун Мудофаа вазирлиги бошқармаси томонидан чора-тадбирлар ишлари бошқарма ва бўлимларига қуйидаги тавсиялар берилди:

1. Чақирув олдидан чақирилувчиларни чуқур ўрганиш, яъни чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказиш. Негаки, чақирилувчилар ўзларидаги мавжуд сурункали касалликларни тиббий кўрикдан ўтаётганларида яшириб айтмайдилар, уларнинг ота-оналари билан қилинган суҳбатлар эса бунинг олдини олади. Шу билан биргаликда чақирилувчиларни қўшин турларига тақсимлаётганда ота-оналарнинг ҳам хоҳишлари инобатга олинади.

2. Жойларда фуқароларга муддатли ҳарбий хизматни ўтиш тартибини тушунтириш бўйича бир мақсадга қаратилган иш олиб бориш.

3. Шу йилнинг баҳоридан бошлаб, Мудофаа вазирлиги томонидан барча ҳарбий қисмларнинг командирларига топшириқ берилган. Унга мувофиқ барча ҳарбий қисмлар вакиллари вилоят йигин пунктларида чақирилувчилар билан суҳбатлашиб, уларни ўрганган ҳолда ўз қисмларига танлаб олишмоқда. Бу эса ҳарбий қисм ва бўлинмаларни фақат соғлом, ғ.стик, ёш солдатлар билан тўлдириш имкониятини беради.

Мудофаа вазирлиги томонидан тиббий кўрик сифатини яхшилаш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри тиббий комиссиялари таркибига юксак тажриба ва малакага эга ҳарбий ҳакимлар киритилган.

Юқоридаги тадбирлар натижасида Мудофаа вазирлигига фуқаролар томонидан чақирув комиссиялари фаолиятига оид аризалар кескин камайди.

Чақирув мавсуми қизғин давом этаётган ҳозирги палладa айтишни истардимки, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятларида чақирув маҳаллий давлат органлари, жамоат ташкилотлари билан жуда яхши йўлга қўйилган.

Аммо, барча вилоятларда ҳам чақирув ишлари яхши ташкил қилинган, деб айта олмаймиз.

Жумладан, Тошкент шаҳрида баъзи чақирилувчиларнинг бесабаб чақирув комиссияларига келмаслик ҳоллари учраб турибди. Тошкент шаҳри ва туманлари ҳокимликларининг мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари билан биргаликда кўраётган чора-тадбирлари натижасида бу ерда вазият яхшиланаяпти. Хизматдан бош тортаётганларга нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ тегишли жазо чоралари қўлланмоқда.

Фуқароларни муддатли ва муқобил хизматга чақиришнинг ташкилий ва сифатли ўтиши давлат аҳамиятига молик масаладир. Ишончим комилки, чақирув ҳукуматимиз ва мудофаа вазирининг талабларига биноан тўла бажарилади.

Полковник,
Ш. ҚАМБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошлиғининг ўринбосари.

• *Ўқув-машғулотлар майдонидан хабар*

АЪЛОЧИ БЎЛИНМА

Нишонга отиш бўйича ўтказилган синов машғулоти сержант Д. Қаҳҳоров етакчилигидаги бўлинма жангчиларининг юқори жанговар маҳоратга эга эканлигини кўрсатди.

Зўр уюшқоқлик ва пухталик билан ўтказилган ушбу синов машқида нафақат кичик командир ва тажрибали оддий аскарлар, шу билан бирга эндигина хизмат қила бошлаган ёш посбонларнинг ҳам юқори кўрсаткичларга эришганликлари таҳсинга сазовор. Масалан, моҳир сержантлар — Ш. Акбаров, Б. Раҳматуллаев каби етакчи жангчилар қаторида Б. Мамаюсупов, С. Рўзиқулов сингари оддий аскарлар ҳам белгиланган талабни юз фоиз амалга ошириб, зобит ва кичик командирларнинг ишончини оқладилар. Жанговар қуролдан нишонга отиш сир-асрорларини қунт билан ўзлаштириб олган бўлинма посбонлари, граната улоқтириш бўйича ҳам намунали натижалар кўрсатдилар. Машқ якуни бўйича наманганлик оддий аскар Х. Норалиев «биринчи», деб топилди.

О. ТОИРОВ,
сержант.

• *Аскар мактуби*

БАРКАМОЛЛИККА ИНТИЛИБ

Мозийга қайтиб иш кўрмоқлик хайрлидир, деган эди севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий. Мен тарихимиз битилган кўпгина китобларни ўқиб, ажиб бир ҳис оғушида қоламан. Амир Темурнинг қатъийлигию, Бобурнинг салоҳияти мени ўзига ром этади ва бугунги ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Ҳарбий хизматни, Ватан ҳимояси йўлидаги интилишларим буюк боболаримиз ўтмиши, уларнинг илму амалисиз тасаввур этаолмайман. Шу сабабданми, ҳар гал ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича машғулотларда командирларимга кўплаб саволлар бераман. Менинг тасаввуримдаги Ватан ҳимоячиси барча ҳарб илми турларини пухта эгаллаган, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлмоғи лозим.

Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган аскарларни бу йўлда тарбиялаш учун қисмимизда талай ишлар амалга оширилган. Спорт майдони, стадион, ижтимоий-сиёсий ахборот хонаси, ҳарбий техника сир-асрорларини ўрганиш учун кўргазмали куроллар билан жиҳозланган махсус хоналар мавжуд. Ҳа, ҳамма нарса муҳаё. Фақат биздан илмларни қунт билан ўрганиш талаб этилади. Кўпчилик сафдош дўстларим хизматни бошлаган дастлабки кунларда бироз қийналишган эди. Зобит ва сержантларимизнинг талабчанлиги ва ёрдами боис, бу қийинчиликлар ортда қолди. Ҳозир ёзги мавсум ўқув-машғулотлари пайтида барчамиз етук аскар бўлиш иштиёқида бор имкониятни ишга солиб, берилган топшириқ ва вазифаларни ўз вақтида аълога бажариш учун ҳаракат қиляпмиз.

Б. АБДУЛЛАЕВ,
оддий аскар.

• *Ҳарб илми масканларида*

ИҚТИДОРЛИ КОМАНДИР

Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларига юксак малакага эга зобит кадрларни етказиб беришда Чирчиқ танкчи командир муҳандислар олий билим юрти жонбозлик намуналарини кўрсатаётир. Бунда мазкур ўқув масканида виждонан хизмат қилаётган командирлар ва жонкуяр ўқитувчиларнинг хизмати беқиёс, албатта.

Талабаларнинг илм олишлари ва тарбияси борасида сидқидилдан ишлаб муваффақиятга эришаётганлардан бири катта лейтенант Қаҳрамон Содиқовдир. У курсантлар ротасига етакчилик қилиб, доимо жамоа олдига қўйилган вазифаларни ўз муддатида аъло даражада уддалашга интилди. Ҳар бир топшириқни бажариш жараёнида хотиржамликка берилмай, унга масъулият билан ёндошади.

Қаҳрамон табиатан камтарин, дилкаш йигит. Ёш зобит ўз қўл остидаги ҳарбий хизматчилар билан самимий муloқотда бўлади, уларни ўз ортидан эргаштира олади. Интилувчанлиги боис, билим юртида у ўзига хос обрўга эга бўлди.

— Бизнинг асосий вазифамиз ўқув жанговар техникаларининг доимо шай ҳолатда бўлишига эришиб, ўқув машғулотларини режа асосида олиб борилишини таъминлашдан иборат, — дейди катта лейтенант. — Бу ғоят масъулиятли вазифа. Зеро, ёзнинг жазирама-сию, қишнинг қаҳратон совуқларига, баҳорнинг серёғин кунларига, кузнинг изғиринли тунларига бардош бериб, топшириқларни аъло даражада адо этиш анча мураккаб иш. Меҳнатимизнинг самарасини курсантларнинг дала ўқув машғулотларида топшириқларни ғайрат билан бажаришганида кўрганимизда юқоридаги қийинчиликларнинг барчаси бир зумда эсдан чиқади.

Ҳа, ким ҳам ўз фидокорона меҳнатининг маҳсулидан, унинг ижобий натижаларидан қувонмайди дейсиз. Эндиликда Қаҳрамон Содиқов катта тоифадаги зобитлар, тажрибали мураббийлар билан баҳамжиҳат иш олиб бораяптики, бу ҳам унинг шахсий интилишлари, меҳнати маҳсулидир. У мустақил юртимиз Қуролли Кучларига кўплаб иқтидорли зобитларни тайёрлаб бераётганлиги билан фахрланади.

Ш. ҲОШИМОВ
лейтенант.



• *Улардан ўрнак олишади*

ҚАЛБИДА ҚЎРИ БОР ЙИГИТ

Фарғона вилоятининг Бувайда туманидан Қуролли Кучлар сафига чақирилган Исомиддин Курганович ҳеч иккиланмай, «суяги меҳнатда қотган йигит», дейиш мумкин.

Ўрта мактабни тугатиши биланоқ, Янгиқўрғон жамоа хўжалигида ишлаш билан бир вақтнинг ўзида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомактабига кечкурунлари қатнаб, таҳсил ола бошлади. Жорий йилнинг апрель ойида ҳарбий хизматга отланганида, у гувоҳномали шофёр эди.

— Оиламиздаги катта ўғил фарзанд, сал суяги қотиб, кейин армияга борса яхши бўларди, — деди Тўхтанисо опа умр йўлдошига юзланиб.

— Нима, тенгқурларидан қолиб, укаси тенглар билан хизмат қилишини хоҳлаяпсанми?! — унинг сўзини бўлди Каримжон ака. — Мактабни тугатди, етти мучаси соппа-соғ, шундай экан, йигитлик бурчини ўз вақтида ўтаб келсин! Ўғлимиз Узоқ Шарқ еки Чукоткага кетаётгани йўқ-ку, ахир. Ўзбекистонимизда хизмат қилишга бораяпти. Соғинсанг, хоҳлаган пайтинг бориб кўриб келамиз. Командирларининг айтганларини айтгандай бажариб турса, биров билан уришмаса, отпуска олиб келиши мумкин.

— Ойи, мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, ёш бола эмасман-ку, — гапга қўшилди онасини юпатиб Исомиддин. — Худди дадамнинг айтганларидай хизмат қиламан. Қоларса, машина ҳайдашни ҳам яхши урганиб оламан. Юзимизни ерга қаратар, деган фикр эса асло хаёлингизга ҳам келмасин...

Дарҳақиқат, қалбида қўри бор йигит ҳарбий кийим кийган илк кунданоқ армия тартиб-интизомига қўника бошлади, ҳарбий Низом қонун-қоидаларини қунт билан ўрганишга киришди.

— Оддий аскар Исомиддин Курганов дастлабки тартиб-интизомли, уқувли ва сергайрат йигитлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди, — дейди биз билан суҳбатда бўлинма командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари зобит Алишер Худойбердиев. — Мен унинг бошқа ижобий хусусиятлари ҳақида тўхталмасдан, фидойилиги ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман.

У қисмга келиб, дастлабки ҳарбий асосларни, касбий кўникмаларни олгач, бир гуруҳ солдатларни олисда жойлашган алоҳида бўлинмага жўнатишга тўғри келди. Ана ўшанда оддий аскар Курганов: «Қаёққа хизматга жўнатсангизлар мен тайёрман», — деб ташаббус кўрсатди. Унинг бу фидойилиги, сафдошларига ўрнак бўлганлиги ҳеч эсимдан чиқмайди.

Шу-шу мен Исомиддиннинг хизмати билан алоҳида қизиқиб келаяпман. Мунтазам у тўғрисида командирларидан суриштириб тураман. Барчасининг оддий аскар Курганов ҳақидаги фикрлари ижобий. Унинг номини ҳар доим фахр билан тилга олишади.

Юқорида айтганимиздек, оддий аскар И. Курганов ҳарбий ишни ўзлаштиришга астойдил киришди. Жанговар ёки ижтимоий-сиёсий тайёргарликми, барчабарчасида фаол қатнашиб, қиска муддат ичида аълочи сафдошлари қаторидан ўрин олди. Ички ва қоровуллик хизмат Низомига қатъий амал қилганлиги боис унинг тартиб-интизомни бузганлигини ҳеч ким кўрган эмас.

Ёзги мавсум машғулотларининг якуний синовларида юқори кўрсаткичларга эришди.

— Армияни катта ҳаёт мактаби, деганлари ҳақиқат экан, — дейди пешқадам оддий аскар И. Курганов. — Мен бу ерда жуда кўп нарса ўргандим, кўрмаган жойларимни кўрдим. Ота-онам қадрини теран ҳис қилишни билдим. Ўз Конституциявий бурчимни бажараётган эканман, уни албатта, аъло даражада уддалаб, уйга ёруғ юз билан кириб бораман.

Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ
Капитан.

• *Ёрдамчи хўжаликларда*

АСКАР НОЗ-НЕЪМАТЛАР ЕТИШТИРАДИ

Ниҳоят майдон ястаниб ётган ердан Самарқанд гарнизони ҳарбий хизматчилари учун ер майдони ажратиб, берилгач, чўлга ўзгача тароват кириб келгандай бўлди. Солдатлар бу заминни ўз кучлари билан обод этишди.

Текисланган ерларга сув чиқмаслиги боис иккита моторли сув тортиш қувури ўрнатилди. Кўп ўтмай, ёрдамчи ҳарбий хўжалик адоқсиз дашт устида ўзгача файз билан фаолият кўрсата бошлади. Биринчи йилиёқ тажриба тариқасида экилган помидор, бодринг, қовун-тарвуз, бақлажон яхшигина ҳосил берди. Аскарлар қунора ўз дастурхонларига тақдим этилаётган янги маҳсулотлардан мамнунлик билан тановвул қила бошлашди.

Аста-секин ёрдамчи хўжалик қуролли ҳимоячиларни қишин-ёзин ўз маҳсулотлари билан таъминлай оладиган даражага етди. Айниқса, катта пропоршик Қувондиқ Маҳрамов хўжаликка бошлиқ бўлиб келгач, бу ердаги аҳвол янада ижобий тус олди. Ўша пайтда хўжаликда атиги 5 та чўчқа, 4 та қорамол боқилаётган бўлса, икки йил ичида уларнинг сонини ошириш учун қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида чўчқалар 74 тага, қорамоллар эса 16 тага етказилди.

Ҳозирга қадар аскарларга 2 тоннага яқин гўшт етказиб берилди. Жониворлар учун 18 тонна ем-хашак етиштирилиб, қишга етгулик даражада ғамлаб қўйилди. Яқин келажакда қорамоллар сонини яна-да кўпайтириш режалаштирилган. Бунинг учун хўжаликда маблағ, ҳам шароит ҳам етарли.

Бу йил 1 гектар ерга помидор, 5 гектар ерга пиёз, редиска экилганди. Ҳосил мўл бўлди. Сентябрь ойининг бошларигача аскарлар дастурхонига 5 тонна помидор, 63 тонна пиёз етиштириб берилди. Пиёзнинг ўзидан 120 минг сўмлик даромад олишга муваффақ бўлинди.

— Пиёз ва бошқа маҳсулотларни нафақат, Самарқанд, балки Қарши ва бошқа гарнизонлар қуролли ҳимоячиларига ҳам етказиб бераяпмиз, — дейди катта прапоршик Қ. Маҳрамов. — Гарнизонларнинг ёрдамчи хўжаликларидан сифатли ва арзон маҳсулотлар олишга нима етсин?!

Уч йил муқаддам 80 сотих ерга узум кўчати экилганди. Ҳозир улар ҳосил бераяпти. Тўрт тоннадан ошиқ узум офтобга ёйилиб, майиз қилиб олинди. Жорий йилда 1 гектар боғ қилиш учун 500 туп олма, шафтоли ва ўрик кўчатлари экилди. Улар ҳам яхши ўсаяпти. Эркин Жўраев, Шерали Неъматов каби механизатор ва боғбонлар аскарларга доимо бош-қош бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатиб туришибди.

Хўжаликда барча юмушларни аскарлар бажаришади. Улар тракторларни бошқаришади, экинларга сув тарашади, йиғим-терим ишларини олиб боришади. Бу азаматлар ҳарб илмини ўрганишни ҳам канда қилишаётгани йўқ.

Ёрдамчи хўжаликнинг келажаги порлоқ. Унда ҳали тонна-тонна ноз-неъматлар етиштирилиб, ҳарбий хизматчилар дастурхонига тухфа этилиши шубҳасиз.

Ю. РАСУЛОВ.

• *Хизматгача тарбия*

ИБРАТГА ЛОЙИҚ ТАШАББУС

Бўлажак Ватан посбонларининг назарий билимларини амалий кўникма билан мустаҳкамлаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан биридир. Бунинг учун, албатта, биринчи навбатда шарт-шароитлар яратиш керак. Шу мақсадда Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида Мудофаа-спорт лагери очилди.

— Ёшларни она-Ватанимизга меҳр-муҳаббат, ҳарбий ватанпарварлик, бурчга содиқлик руҳида тарбиялаш, жисман ва маънан баркамоллаштирмоқ — буюк келажак сари мустаҳкам пойдевор тикланаётган бугунги куннинг энг долзарб талабидир — дейди туман Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби И. Каримов — Заркент қишлоғида Мудофаа — спорт лагерини ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам ана шунда. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, бурчга содиқлик руҳида тарбиялашда бу масканнинг муносиб улуши бўлишига ишончим комил.

— Мудофаа спорт лагерида туманнинг барча ўрта мактаблари юқори синф ўқувчилари йилда бир марта 12 кунлик йиғинга жалб этилиб, аввало тиббий кўрикдан ўтказилади — дейди туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Н. Матисоқов. — Бўлажак аскарларнинг ўз назарий билимларини амалда мустаҳкамлашлари учун бу ерда барча шароитлар яратилган. Жумладан, улар жанговар қуролдан нишонга отиш ва бошқа қўплаб ҳарб илми санъатидан атрофлича сабоқ олишади.

Мудофаа — спорт лагерини ташкил этишда вилоятда ва туман ҳокимликлари, Ёшлар Иттифоқи қўмитаси, вилоят шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимлари ташаббускор бўлишди. Лагерда мевали дарахтлар ўтказилиб, боғ ташкил этилган. Етоқхоналар талабларга тўлиқ жавоб беради. Маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг чоралари кўрилган.

Ҳа, бўлажак Ватан посбонларининг жисман ва маънан камолоти йўлида наманганликлар амалга оширган ишлар ҳамда ташаббус ибрат қилиб кўрсатса арзигулиқдир.

Э. НУРБОЕВ.

• *Парашют спорти*

ҚУШЛАР БИЛАН БАСМА-БАС

Ҳарбийлар ҳаётида спорт катта аҳамиятга эга. Зеро, бирор спорт турини пухта эгаллаган ҳолда ҳарбий топшириқларни маромига етказиб бажариш мураккаб. Шунинг учун ҳам оддий аскардан тортиб, юбитларгача спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб туришга ўз ҳаётларининг ажралмас бир қисми сифатида муносабатда бўлишади. Бугунги кунда республикамиз спортида ҳарбийлар алоҳида ўрин тутаётганлигини таъкидлаш жоиз. Эндиликда қайси бир спорт турини олиб қараманг мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда эришилаётган ютуқларда, албатта, ҳарбийларимизнинг улуши, юқори погоналарга кўтарилган спортчилар орасида уларнинг вакили борлигининг гувоҳи бўласиз. Юртимизга Осиё ўйинларининг медаллар шодаларини ҳадя этишган мерганларимизнинг аксарияти ҳам ҳарбийлар эди.



Спорт оламида шундай спорт турлари ҳам борки, у кўпроқ ҳарбийларга хосдир. Жумладан, парашют спорти. Эндиликда ушбу спорт тури бўйича мамлакатимиз терма жамоаси ўзагини, асосан, ҳарбийчилар ташкил этади. Улар республикамиз ҳарбий-парашют спорти шарафини халқаро майдонда ҳам муносиб ҳимоя қилишяпти. Ушбу спорт тури бўйича ўтказилган Марказий Осиё биринчилиги натижалари фикримизнинг далилидир. «Оқ олтин» кубоги деб номланган ушбу мусобақа бу йил ўттиз учинчи марта ўтказилди. Бундай мусобақа биринчи марта 1962 йили ўтказилган эди. Бу йилги мусобақага «Қанот-С», «Аэро-С» фирмалари ва «Авиатор» техника-спорт клуби ҳомийлик қилди. Марказий Осиё спортчилари 1000 метр баландликдан аниқ маррага тушиш ва 2400 метр баландликдан акробатик ҳамда турли хил шакллар мажмуасини бажаришда шахсий маҳоратларини намойиш этиш бўйича мусобақалашишди. «Оқ олтин» кубоги совриндорлари орасида В. Коротеевнинг (МҲСК) ютуқларини алоҳида таъкидлаш жоиз. У аниқ маррага тушиш бўйича ҳам, турли хил акробатик машқларни бажариб, эркин сакраш бўйича ҳам биринчи ўринни эгаллади. Табиий, халқаро миқёсдаги спорт устаси В. Коротеева умумкўрсаткич бўйича ҳам «Оқ олтин» кубоги соҳиби бўлди.

Эркаклар баҳсида 34 спортчи қатнашди. Чарх ураётган кабутарларни эслатувчи бу мусобақада ҳам ҳарбийларимиз кутилган натижаларга эришишди. Жумладан, тошкентлик Темур Азибеков аниқ маррага тушиш бўйича қозогистонлик рақобатчиларини ортда қолдирди. Эркин машқларни бажариш борасида эса у учинчи ўрин билан кифояланди. Унинг жамоадоши Александр Коробейников иккинчи погонага кўтарилди.

Голиблар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти фахрий ёрлиқлари ва «Қанот-С» фирмаси мукофотлари билан тақдирланишди. Ҳарбий парашютчиларимизга келгусида ҳам тиниқ осмон ва янада юксакроқ спорт зафарлари тилаймиз.

Р. ЭРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Ота-бола Лучшевлар само парвозида ўзларини қушлардек ҳис этишади.

МАРШ ҚЎШИҚЛАРИ ТАНЛОВИ

Шаҳдам қадамлар билан саф тортиб келаётган аскарларни кўрганда ҳар бир кишининг қалбида жўшқинлик уйғонади. Йўлакка бир маромда ўрилаётган этиклар ҳарбига аскарларнинг марш қўшиқлари уйғунлашганда эса кузатувчилар қалбида уйғонган жўшқин туйғу денгиз тўлқинлари каби янада кўпириб тошади. Ҳатто ёш ғ.уғ кишилар ҳам навқиронлигини қўмсаб, беихтиёр ибардист аскар йигитлар сафига қўшилиб кетгиси келади.

Ҳа, марш қўшиқлари аскарлар сафига янада файз беради. Қолаверса, бундай қўшиқларнинг аскарлар қалбида ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришдаги улуши беқиёсдир. Шунинг учун ҳам ҳарбийлар «қўшиқсиз аскар, аскар эмас» дейишади.

Қўшиқлар ва ҳарбий марш-ларнинг ёшларни юртга содиқлик, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрнининг беқиёслигини инобатга олиб, йил бошида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон бастакорлари уюшмаси томонидан ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги асарлар танлови эълон қилинган эди. Буюк ғалабанинг 50 йиллиги, турли авлод қаҳрамонлари ва мустақил Ўзбекистон жангчиларига бағишланган ушбу танлов голиблари аниқланди.

Танлов бўйича ҳайъат аъзоларини Мудофаа вазири ўринбосари Баҳодир Қосимов ва танлов ташкилий қўмитаси раиси бастакор Ҳабибулло Раҳимов бошчилигидаги республикамизга таниқли бастакорлар, мусиқашунослар, адабиётчилар ташкил этди. Танловга тақдим этилган асарлар ва тингланган қўшиқлар муҳокамаси деярли бир кун давом этди. Узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг танлов лауреатлари маълум қилинди. Танловнинг биринчи мукофоти ва фахрий дипломи билан бастакор ва дирижёр П. Макаров, иккинчи мукофот билан дирижёр Г. Терзян тақдирланди.

Ҳарбий ватанпарварлик мавзуидаги қўшиқлар яратган бир гуруҳ бастакорлар, шоирлар, ансамбл.ларга рағбатлантирувчи мукофотлар берилди.

Ташкилий қўмита раиси Ҳабибулло Раҳимовнинг таъкидлашича, кўрик танлов ҳарбийларнинг ижодий жамоалари репертуарларини янги асарлар билан янада бойитди. Бу асарлар ўзига хослиги ва мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучлари фаолиятига мос тушиши билан қимматлидир. Янги марш ва ҳарбий қўшиқларнинг ёшларда юрт тарихига ҳурмат билан қараш, унга нисбатан қалбларида муҳаббат уйғотиш, ҳарбий ватанпарварлик руҳини кўтаришдаги роли каттадир.

Гавҳар САОДАТОВА,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

• Тиббиёт: янгиланиш йўлида

ЁТИБ ЕГАНГА ТОҒ ЧИДАМАЙДИ

Бозор иқтисодиёти шароити бошқа соҳалар қатори тиббиётда ҳам тежамкорлик билан ишлашни тақозо этади. Бу соҳада ҳам ўнга хос муаммолар мавжуд. Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасининг бош врачи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, Тоҳир МИРОДИЛОВ билан мухбиримизнинг суҳбатида шу ҳақда сўз боради.

— Тоҳир Мирхўжаевич, биз катта ўзгаришлар даврида яшаяпмиз. Бу ижобий ўзгаришларнинг тақдири ҳар биримиз ўз бурчимизни қандай адо этишимизга боғлиқ. Демоқчиманки, ҳамма ўз ишига изланувчанлик билан ёндошиши керак.

—Албатта. Президентимиз ва ҳукуматимиз янгича иш усулларини дадиллик билан ҳаётга жорий этаётир. Унинг ислоҳотлар йўлидаги ҳар бир таклифини, ташаббусини халқимиз қўллаб-қувватламоқда. Иш фаолиятини ҳаётий ҳақиқатлар, амалий заруратлар билан уйғунлаштира олмаган, боқимандалик кайфиятида юрган раҳбарлар учун эса ҳеч қандай истиқбол йўқлигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

«Кўпгина раҳбарларда боқимандалик кайфияти устун, уларда давлат бизни оғир аҳволга ташлаб қўймайди, деган илинж сақланиб қолмоқда. Бундай усулда ишлаётган раҳбарлар бир нарсани қатъий англаб олишлари лозим: давлат уларнинг маъсулиятсизлигига ортиқ тоқат қила олмайди», деб таъкидлаганди Президентимиз.

Бу гаплар биз тиббиёт ходимларига ҳам тааллуқлидир. Шароит тақозо этаётган ҳаётий ҳақиқатни англаб етиш, зарур бўлса қўлга қоғоз-қалам олиб, иқтисодий билимларни қайтадан ўрганиш даври келди. Зеро, халқимиз «етиб еганга тоғ чидамайди», деб бежиз айтмаган.

— Сиз мутахассис ва депутат сифатида тиббиётда қандай муаммолар бор, деб ўйлайсиз?

— Мен аввало шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида тўхталмоқчиман. Сўнги йилларда шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ходимларининг асосий иш фоалияти тиббиётни ислоҳ қилишга қаратилмоқда. 800 ўринли кундузги стационар, 65 ўринли амбулатор жарроҳлик маркази ташкил этилгани фикримга далил бўла олади. Бундан ташқари, аҳолига махсус тиббий хизматни яхшилаш мақсадида бир нечта тиббий марказлар ҳам фаолият кўрсата бошлади. Биргина бизнинг шифохонамизда 30 ўринга мўлжалланган проктология маркази ва 90 ўринга мўлжалланган травматология маркази ташкил этилди.

Энди муаммолар тўғрисида гапирадиган бўлсам, ҳануз тиббиёт-бошқарув тизимида баъзи «ортиқча» босқичлар мавжуд. Масалан, пойтахтимиздаги туман соғлиқни сақлаш бўлимларини олайлик. Бу ташкилотларнинг «ортиқча» эканлигини исботловчи бир неча далиллар келтираман. Биринчидан, улар реал бошқарув ҳуқуқига эга эмас, чунки молиявий таъминот бу ташкилотлар орқали бажарилмайди. Иккинчидан, иш юртишда шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ҳамма буйруқларини ипидан-игнасигача такрорлайди. Учинчидан, моддий техника базаси йўқ ва даволаш муассасаларига асбоб-ускуна, жиҳозлар борасида ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмайди. Тўртинчидан, шифохоналар ишида малол келадиган яна бир томони, туман соғлиқни сақлаш бўлими бошчилигида мажлислар, кенгашлар ва ҳисоботлар сони икки баробар ортади, холос. Бу мажлисбозликларни келтириб чиқармоқда. Энг асосийси, қанчадан-қанча маблағ шу ташкилотларга сарфланмоқда.

—Мазкур фикрларингизни мутасадди ташкилотларга етказсангиз бўлмайдими?

— Етказдим. Таклифимни ҳатто Республика соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов ҳам қўллаб-қувватлади. Яқин келажакда бу масала ижобий ҳал бўлса керак. Ахир давлат маблағининг ҳам ҳисоб-китоби бор. Уни биз тежаб-тергаб сарфламасак ким тежайди? Давлат бераяпти, деб беҳуда совуравериш керакми? Бу инсофсизликдан бошқа нарса эмас.

Мен раҳбарлик қилаётган Шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасига турли беморлар қатори, тан жароҳати олган кишилар ҳам кўплаб олиб келинади. Мисол учун, 1994 йил касалхонамизга 38133 нафар бемор мурожаат қилган бўлса, уларнинг 23180 нафарига амбулатор ёрдами кўрсатилган, 14953 бемор эса касалхонага ётқизилган. Бу беморларнинг 5281 нафари турли тан жароҳатлари олган, улардан 2867 киши эса айнан безорилик, тартиббузарлик ва ичкиликбозлик туфайли жабрланганлардир. 1994 йилда жиноят туфайли етказилган барча жароҳатларни даволаш учун сарф қилинган маблағ 35 миллион сўмни ташкил қилди. Саховатли давлатимиз ҳар бир беморга бепул тиббий ёрдам кўрсатишни таъминламоқда. Энди фикримни баён қилай: Табиатан хасталикка учраган бемор билан ичкиликбозлик ёки безорилик туфайли жароҳат олган беморга бир хилда қараш ва молиявий таъминотни бир манбаа — давлат ҳисобидан олиш тўғримикан?

—Жароҳат олган ҳар бир беморга тахминан қанча маблағ сарфланади?

— Ҳар хил. Масалан, бемор Данилин С. М. 32 ёшда. Маст ҳолатда муштлашиб, қорин бўшлиғининг бир неча жойидан пичоқ еб жароҳатланган ва касалхонамизга келиб тушган. Касалхонада мураккаб жарроҳлик амалиёти бажарилди. У 42 кун ётиб даволангандан сўнг меҳнат фаолиятига қайтди. Энди уни «оёққа турғазиш» учун сарфланган ва касалхона бюджети ҳисобига бажарилган харажатларни бир ҳисоблаб кўрайлик.

Беморнинг жарроҳлик бўлимида бир кун ётиши 512 сўмни ташкил қилади, 42 кун ичида эса 21504 сўм бўлади. Жарроҳлик амалиёти қиймати шу хона хизматчиларининг бир кунлик маоши — 85 сўм, маош қўшимчаси 34 сўм, чойшаблар, хўжалик сарфлари ва жиҳозлар учун амортизация — 99 сўм. Умуман олганда Данилин С. М.нинг станционарда даволаш учун касалхонамиз 23822 сўм сарфлади.

Ваҳоланки, шаҳримиздаги яна ўнлаб касалхоналарда йил давомида минглаб безорилик туфайли жароҳатланганлар даволанади.

—Тоҳир Мирхўжаевич, фикрингизга қўшиламан, лекин бемор жароҳат сабабини яшириши мумкин. Масалан, нарвондан ёки зинапоядан йиқилиб тушдим, дегувчилар ҳам топилади.

— Тўғри айтасиз. Мен юқорида 5281 нафар жароҳатланганларнинг 2867 таси жиноий жароҳат олганини таъкидлаган эдим. Бу рақам анча юқори бўлиши мумкин эди. Аммо баъзи беморлар жароҳат сабабини нафақат шифокорлардан, ҳатто милиция ходимларидан ҳам сир тутадилар. Натижада улар олган жароҳат «Маиший жароҳатлар» бўлимида рўйхатга олинади.

— Демак, юқоридаги молиявий талабни бу ҳолда қўллаб бўлмайди?

— Албатта, жароҳат сабабларини аниқлашда Ички ишлар вазирлиги ходимлари янада принципиал бўлишлари керак. Агар икки машина тўқнашиб кетса, айбдор томон харажатни тўлайди. Шу жараёнда кимдир шикастланса давлат даволайди. Бу адолатдан эмас. Ҳозир ҳам айбдор билан жароҳатланганларнинг ўзаро молиявий келишуви мавжуд. Бу шароитда тиббий ёрдам харажатларини тўлиқ ўз зиммасига олган давлат доимо четда қолиб кетади. Аслида молиявий келишув айбдор билан тиббий муассаса ўртасида бўлиши керак. Чет элларда шундай.

Шу масала юзасидан махсус қонун ва қарорлар ишлаб чиқилиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши нафақат иқтисодий балки, ижтимоий аҳамиятга эга. Айтайлик, безорилик, ичкиликбозлик кескин камаяди. Айниқса, саломатликнинг қадри ортади.

«Халқ сўзи» мухбири Тоҳир ДОЛИЕВ суҳбатлашди.

• Китоб жавонига

КАРМАНА ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Ватанимиз узоқ ва бой тарихга эга. Унинг оламга машҳур шаҳарлари билан бир қаторда энг олис гўшалари ҳам шу тарих занжирида узилмас халқадир. Буюк Ипак йўли устида, Самарқанд ва Бухородек улуғвор шаҳарлар оралиғида бундан минг йиллар бурун қад ростлаган кўҳна Кармана шаҳри ҳам ватанимиз ўтмишию келажагининг юлдузларидан бири саналади.

Яқинда Аҳтам Ҳотамов ва Шуҳрат Халиловнинг «Адолат» нашриётида чоп этилган «Йиллар садоси» китоби Кармананинг мухтасар тарихига бағишланган.

Истиқлол туфайли қишлоқлар, туманлар, вилоятлар, шаҳарлар тарихини ўрганиш, тадқиқотлар яратишга кенг йўл очилди. Эндиликда биз Ватанимизнинг умумий тарихидан бўлак, ўз қишлоғимиз, шаҳаримиз ўтмишини ўқиб— ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Кармана тарихидан ажойиб лавҳалар ўрин олган мазкур китоб ҳам буюк аждодларимиз - Спитамен, Маҳмуд Таробий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мовлоно Али Қушчининг шу юрт билан боғлиқ ҳаёт ва фаолиятларидан огоҳ этади. Халқнинг улкан бунёдкорлик ишларию, босқинчиларга қарши мардона курашларига шу китоб орқали «гувоҳ» бўламиз. Ўзбекистон тарихида алоҳида мавқега эга бўлган «Работи Малик», «Сардоба», «Деҳқарон масжиди», «Мир Саид Баҳром», «Қосим Шайх меъморчилик мажмуаси» деб ном олган қадимий ва гўзал ёдгорликлар тарихи ва улар билан боғлиқ халқ орасида кенг тарқалган афсона ва ривоятлардан китобхон баҳраманд бўлади.

Булардан ташқари китобда Карманада яшаб ўтган уламо, шайх ва авлиёлар ҳақида, шунингдек қишлоқларнинг номлари, халқ уруф-одатлари, ҳунармадчилик сирлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади. Умуман қадимий юрт ҳақидаги ушбу китоб муаллифларнинг биринчи жиддий ҳаракати бўлсада тарихий фактларнинг тўғрилиги ва мароқ билан ўқилиши билан ажралиб туради.

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзоси Одил Бобожоновнинг Камолиддин Беҳзод таваллудининг 540 йиллигига бағишланган кўргазмаси очилди. Унда муаллифнинг тасвирий санъатнинг турли жанрларида яратган рангба-ранг асарлари намойиш этилмоқда.

(ЎзА).

Тошкент вилоят Тадбиркорбанки ҳисоб амалиёт бўлими томонидан «Галлео» хусусий фирмасига берилган АТ 0146616 дан 0146620 гача рақамли янги намунадаги лимитлаштирилган чек дафтарчаси ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

ИТБ аппарати, Тошкент савдо-харид базаси ва Тошкент улгуржи-чакана ёғоч-тахта савдо базаси таркибидаги «Узглавстройдревпром» ишчилар таъминоти бошқармаси тугатилади.

Даъволар эълон чап этилган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади. Тел.: 48-85-78.

«КУШОН» ЯНА ОЛИЙ ЛИГАДА

Келаси мавсумда биринчи лигада тўп сурадиган олий лигининг икки омадсиз жамоаси аллақачон маълум бўлгин эди. Хўш, келаси йили уларнинг ўрнини қайси жамоалар эгаллайди? Бошқачи айтганда Ўзбекистон чемпионатининг кичик «Олтин» ва кичик «кумуш» медали қайси жамоаларга насиб этади?

Ҳозирча чемпионатнинг кичик медаллари соҳибларини аниқ айтиш мураккаб, лекин Косонсойнинг «Кушон» жамоаси олий лигага йўлланмани нақд қилиб қўйганлигини таъкидлаш жоиз. Сўнгги турларда косонсойликлар Урганчнинг «Динамо» ва Булунғурнинг «Диёр» жамоаларини ўз майдонида мағлубиятга учратиб, очколарини 48 тага етказишди ва икки йиллик танаффусдан сўнг яна олий лигачилар сафига қайтишди. Олий лигага бериладиган иккинчи йўлланма учун Хоразм вилоятининг «Динамо» жамоасининг имконияти кўпроқ. Чемпионат тугашига икки тур қолганда улар 44 очко билан иккинчи ўринни банд қилиб туришибди. Учинчи ўринда бораётган «Чилонзор» клуби ҳисобида 40 очко бор. Бу йилги мавсумни кўтаринки руҳда ўтказган «Чилонзор» жамоаси сўнгги турда кутилмаганда Зарафшоннинг «Прогресс» клуби билан ўз майдонида дуранг (2:2) ўйнади.

Бугун «Динамо» ўз майдонида «Ғазалкент»ни қабул қилади, «Чилонзор» эса сафарда «Тегирмончи» билан ўйнайди. Сўнгги турда «Динамо» ўз майдонида «Маданият» клубини қабул қилса, «Чилонзор» Қаршида «Насаф»нинг меҳмони бўлади. Кўриниб турибдики, ниҳоят Хоразм воҳаси футбол жамоасининг ҳам келаси йиллан олий лигада тўп суриши учун имконият катта. Улар қолган икки учрашувлан уч очко олсалар кифоя. «Кушон» эса сўнгги турларда «Зарафшон» ва «Прогресс» жамоаларининг меҳмони бўлади.

«ПАҲЛАВОН» ЁШЛАРНИ КЎРИКДАН ЎТКАЗДИ

Юртимиз самбочилари нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳон бўйича энг кучли спортчилар ҳисобланади. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Негаки юртимизда ёш самбочиларни камол топтириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида тез-тез турли хил мусобақалар уюштирилиб турилиши самбочиларимизнинг маҳоратлари янада ошишига сабаб бўлмоқда. Пойтахтимиздаги «Динамо» спорт саройида ўтказилган ана шундай турнирлардан навбатдагисида республикамиз ёш самбочиларидан ташқари қозоғистонлик спортчилар ҳам қатнашди. «Паҳлавон» спортклуби соврини учун ўтказилган бу турнирда 100 нафардан ортиқ ёш самбочилар гиламга чиқишди. Унда Тойлоқ шаҳридаги республика олимпия резервлари билим юрти ёш самбочилари муваффақиятли қатнашиб, энг кўп совринларни қўлга киритишди. Ташкилотчиларнинг эътироф этишича, бу турнир келгусида анъанавий бўлиб қолади.

Р. ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: «Паҳлавон» турнирининг дастлабки ғолиблари.

А. Рақсиев суратга олган (ЎзА).

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки 1995 йил 1 ноябрдан «Ўқувчи» номли янги омонат турини таклиф қилади.

«Ўқувчи» омонати — бу фарзандингиз учун ажойиб совғадир!

«Ўқувчи» омонати бу:

миқдори камида 10 сўм бўлган;

йилига 60 фоиз даромад тўланадиган;

нақд пул билан ёки пул кўчириш йўли билан тўлдириб бориладиган;

юқори даромад олиш учун, зарур миқдордаги маблағ йиғилгандан сўнг бошқа хоҳлаган турдаги омонатга ўтказиш имкониятини берувчи омонат туридир.

«Ўқувчи» омонати ўсмирларга ёшликдан ўз маблағидан тўғри фойдаланишни ўргатиш билан бирга, балоғат ёшини етарлича маблағ билан кутиб олиш учун имконият яратади.

«Ўқувчи» омонати 12 — 18 ёшдаги ёшлар омонатидир!

Халқ банки Сизни кутади.

Маълумотлар учун телефонлар: 45-35-49, 33-78-02, 33-51-95.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ:

БИЗ СИЗ ҲАҚИНГИЗДА ҚАЙҒУРАМИЗ!

"Ўзбеккоммуналлойиҳа" давлат лойиҳа институти сув таъминоти, канализация, иссиқлиқ таъминоти ва бошқа коммунал хизмат объектлари лойиҳасини қисқа муддатда тайёрлаб беришни тавсия этади.

Шахсий уйларни муҳандислик ускуналари ва барча қулайликларга эга ҳолда мукаммал лойиҳалаштириб берамиз.

Жаҳон андозалари даражасидаги қулайликларга эга бўлай десангиз қуйидаги манзилга мурожаат этинг:

Тошкент, Ниёзбек йўли, 1.

Телефонлар:

34-14-41, 34-14-40.

БИРИНЧИ БЎЛИБ ИАВБАТГА ТУРИНГ!

"МИРОБОД"
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Бозорни қайта таъмирлаш ва бинонинг бузилиши муносабати билан "Миробод" акционерлик жамияти барча акционерларидан қўлларидаги мавжуд акцияларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва янги нусхасига алмаштириб бериш учун 1995 йил 30 ноябргача топширишларини сўрайди.

Қайта рўйхатга олинмаган ва кўрсатилган муддатгача топширилмаган акциялар 1995 йил 1 декабрдан ярокисиз ҳисобланади.

"Миробод" акционерлик жаминти бошқаруви.

Ангрен ҳайвончилик хўжалиги норка боқувчи ишқибозларга тирик норкаларни келишилган нархда 10 минг дона миқдорида сотишни маълум қилади.

Маълумотлар учун телефонлар:
Тошкент шаҳрида: (3712) 34-83-72,
Ангрен шаҳрида:
(8-266) 22-423,24-770.

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти жамоаси жамият раиси Содиқжон Убайдуллаевга отаси **Семанбой ГОЙИБОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Бектемир тумани давлат солиқ инспекцияси жамоаси инспекция бошлиғининг муовини **Фарҳод КАРИМОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига, қариндош уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хитлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.
Навбатчи — Ф. Саиев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0507. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 20.00.

1 2 3 4 5 6